ДАВРА СТОЛИ

# ИДЕОЛОГИЯ ИШИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

## *КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленуми бўлиб ўтгандан бери бир йилга яқин вақт ўтди*

## *Хўш, самара, натижа қандай? Идеология ишининг ҳаётийлиги, самарадорлиги бўйича нима ишлар қилинди?*

**Коммунистик партия доҳий В. И. Ленин васиятларига амал қилиб, меҳнаткашларнинг кенг қатлами ўртасида сиёсий-тарбиявий ишни ташкил этишга, янги инсонни камол топтиришга алоҳида эътибор бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми ривожланган социализм шароитида бутун идеология иши олдига қўйилаётган талабларни тўла-тўкис таърифлаб берди, ҳамиша одамлар орасида бўлиш, уларнинг маънавий-сиёсий тарбияси учун пропаганданинг барча воситаларидан оқилона фойдаланиш вазифаларини илгари сурди. Партия Марказий Комитетининг Бош секретари К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил февраль ва апрель Пленумларида сўзлаган нутқларида коммунистик қурилишнинг олдинги маррасидан чиққан фикрга қулоқ солиш, меҳнаткашларнинг уюшқоқлигини, ижодий ташаббускорлигини янада авж олдириб, бутун кучни ўн биринчи беш йиллик вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш учун мусобақага сафарбар этиш лозимлигини таъкидлади.**

**«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси Термизда ўтказган «Давра суҳбати» КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорларини амалга ошириш борасида Сурхондарё область партия ташкилотларида тўпланган тажрибаларни умумлаштиришга бағишланди. Суҳбатни область партия комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. КАРИМОВ олиб борди. Унда Сариосиё район партия комитетининг секретари Ф. ХАЙИТҚУЛОВА, Ленин йўли район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Х. МАРДОНОВ, Бойсун район «Ғалаба» газетасининг редактори О. ПАРДАЕВ, Будённий номли совхоз партия комитетининг секретари Х. НАЗАРОВ, Жарқўрғон район Минор қишлоқ Советининг раиси Ф. РАҲМОНҚУЛОВА, маориф ходимлари касаба союзи область комитетининг раиси С. СОҲИБОВ, Шеробод район ёш коммунистлар мактабининг пропагандисти И. МИРЗАЕВ, Денов район 22-ўрта ҳунар-техника билим юртининг директори А. ТОШМУРОДОВ, Ангор район комсомол комитетининг секретари Л. ПАНЖИЕВА, Гагарин районидаги «Партия XXIV съезди» совхози директорининг маданият ишлари бўйича ўринбосари С. МУҲАММАДЖОНОВА, Сариосиё район ижроия комитети маданият бўлимининг мудири Т. УМАРОВ ўртоқлар иштирок этишди.**



**Имом МИРЗАЕВ:**

**«Материал иқтисодий таҳлиллар, диаграммалар, техника воситалари ёрдамида ўрганилишига эришиш — пропагандист муваффақиятининг асоси».**



**Фотима РАҲМОНҚУЛОВА:**

**«Атеистик тарбия аниқ ва ҳамма кўриб-билиб турган фактлар, ҳодисаларни, уларнинг оқибатларини таҳлил қилиш асосига қурилса, кишилар қалбидан пухта ўрин олади».**

**Саттор СОҲИБОВ:**

**«Янги инсонни тарбиялаб вояга етказишда, уларда ижтимоий ва меҳнат активлигини оширишда касаба союз маҳаллий ташкилотларининг роли каттадир».**



**Людмила ПАНЖИЕВА:**

**«Ижтимоий фанлар ўқитилишини яхшилаш, ўқувчиларнинг турли клублари, тўгараклари ёшларда юксак, коммунистик онглиликни, бурч туйғусини тарбиялашга самарали таъсир кўрсатмоқда».**



**В. Ем** фотолари.

## Олмос қирралар

**Ҳайитқулова:** Меҳнатга онгли ёндаша олувчи кишиларни тарбиялаб, инсон тафаккурини бойитиш — умуман, онг тарбияси ҳамиша муҳим ўрин тутиб келди. Владимир Ильич Ленин шу ҳақда гапириб, давлат омманинг онглилиги билан кучлидир деб таълим берган эди. Омманинг онглилиги эса социалистик тузумимиз куч-қудратининг манбаи бўлиб келмоқда. Бу борада биз муайян иш олиб бормоқдамиз. Кейинги йилларда Сариосиё район партия ташкилотлари сиёсий ва иқтисодий ўқувни такомиллаштириш, унинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор бермоқда. Ўқувларнинг барча формаларини такомиллаштиришга қаратилган катта ташкилотчилик ишлари амалга оширилди. Партия маорифи, меҳнаткашларнинг оммавий-иқтисодий ўқувлари барча формалардаги машғулотлар партия ташкилотлари, меҳнат коллективларининг бутун фаолияти билан тобора чамбарчас боғлаб юборилмоқда.

**Мирзаев:** Ҳозиргина Флора Ҳайитқуловна машғулотлар ҳаёт билан, кундалик вазифалар билан боғлаб олиб борилиши яхши самара бераётганлигини айтиб ўтдилар. **Ўзим машғулот олиб бораётган ёш коммунистлар мактабида ҳар бир тингловчининг гражданлик активлигини кучайтиришга, уларда коммунистик онглиликни чиниқтириб, ташаббускорликни авж олдиришга эришмоқдаман.** Тингловчилар КПСС Программаси ва партия Уставини чуқур ўрганяптилар. Одатда у ёки бу мавзудаги суҳбатни ташкил этишдан олдин тингловчилар ишлаётган жойларда бўлиб, уларнинг ишлаб чиқаришдаги иштирокини, меҳнатда эришаётган натижаларини таҳлил қилиб чиқаман.

**Керамика заводини олайлик. Корхона ташкил этилганида партия ташкилоти борйўғи уч коммунистдан иборат эди. Ҳозир 24 коммунист маҳсулот сифатини ошириш учун мусобақанинг олдинги сафида бормоқда. Ҳар уч коммунистдан иккиси партия сафига кейинги вақтларда қабул қилинган. Улар иш вақтидан, ускуналардан, қувватлардан оқилона фойдаланиш намуналарини кўрсатаётирлар. Кейинги йилларнинг ўзида ялпи маҳсулот ҳажми беш баробар ошганлиги бунинг далилидир.**

**Назаров:** Маълумки, давр ўқувни ташкил этишдаги расмиятчилик ва қолоқликка қатъият билан барҳам беришни, ўқувнинг самарасиз формаларидан дадил воз кечишни, машғулотни ташкил этишда коммунистларнинг фазилатларини, савияларини аниқ ҳисобга олишни тақозо этмоқда. Биз партия сиёсий маорифи тармоғини шакллантиришда ана шу талаблардан келиб чиқдик. Тингловчиларни кўпайтириш эмас, балки уларни ўқув турларига тўғри жойлаштириш йўлидан бордик. Ҳозир 112 коммунист партия маорифи системасидаги мактабларда, 725 ишчи-хизматчи иқтисодий таълим системасида, ёшлардан 391 киши комсомол ўқувида ўз билимини ошираётир.

Пропагандистларимиз партия ички ва ташқи сиёсатини маҳаллий материаллар билан боғлаб тарғиб қилаётирлар. **Партия комитети пропагандистларнинг умумий тайёргарлигини ошириш, уларни ўқувнинг кўргазмали ҳамда техника воситалари билан таъминлаш чораларини кўряпти.** Бугун биз К. Ҳамзаев, Ж. Абраев сингари пропагандистларимизнинг тингловчиларда қизиқиш ва активликни кучайтириш борасидаги ибратли тажрибаси ҳақида қониқиш билан тапира оламиз.

**Пардаев:** Партия ўқуви ва иқтисодий умумтаълим самарадорлигини оширишда оммавий ахборот воситалари, айниқса, район газетаси редакцияларининг ижодий коллективлари муайян иш олиб боришлари лозим. Июнь Пленумида ахборот воситалари меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни ижтимоий ва меҳнат активлигини оширишнинг таъсирчан қуроли эканлиги яна бир бор таъкидланди. Шуни назарда тутиб, биз партия пропагандасини йўлга қўйиш тажрибасини ёритишга бағишланган материалларнинг услуб ва жанрларини яхшилаш, уларда конкретлилик, фикрнинг ўткирлиги, чуқур умумлашмалар бўлишига эришиш йўлидан бормоқдамиз.

Пропаганда ишини йўлга қўйиш борасида тўпланган тажрибалар, ҳал қилиниши лозим бўлган проблемалар турли рубрикалар остида, хилма-хил жанрларда ёритилаётир. Пропагандистларга ёрдам тариқасида эълон қилинаётган мақолаларнинг район экономикаси ва маданий ҳаёти билан боғлиқлигини, уларда чуқур умумлашмалар берилишини таъминламоқдамиз. Шу ўринда «Ғалаба» газетаси саҳифаларида эълон қилинган «Якун ва режалар», «Сиёсий ва иқтисодий ўқиш — чиниқиш мактаби», «Ленинча синов», «Жонкуяр пропагандист» сингари материалларни тилга олиш жоиз.

**Ҳайитқулова:** Бу ерда биз пропагандист фазилати ҳақида фикр юрита бошладик. Маълумки, **пропагандистнинг фаолияти ғоят сержилодир. У муҳим партия топшириғини бажариш жараёнида суҳбатдошлари, тингловчилари юрагига кириб бормас экан, бирон бир натижага эриша олмайди.** Бунинг учун эса фақат машғулотни қизиқарли ташкил этиш кифоя қилмайди. Пропагандист камчиликларга муросасиз, ўзига ва бошқаларга бирдек талабчан, покиза қалб эгаси, маънавий етук мураббий бўлмоғи керак. Уларда мана шу фазилатларни изчил тарбиялаш партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

**Мардонов:** Жуда тўғри гап айтилди. Биз пропагандистларнинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан юксак тайёргарликка эга бўлишларини таъминлаб, ўқувларнинг таъсирчанлигини, амалийлигини кучайтираётирмиз. Пропагандист кадрларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш борасида областимизда изчил, яхлит бир система қарор топди.

Ленин номли совхоз пропагандисти Саъдулла Абдуллаев олий маълумотли экономист. У олиб бораётган машғулотлардан 28 тингловчи баҳраманд. Уларнинг ҳаммаси олий ёки ўрта махсус билимга эга кадрлардир. Ҳар бир темани ўрганиш жараёнида пропагандист ўз тингловчилари фаолиятидан мисоллар келтиради. Ҳатто коммунистлар партия топшириқларини қандай бажараётганликлари, оилада бола тарбияси билан нечоғли изчил шуғулланаётганликларига оид мисолларни тилга олади. Будённий номли, Қосим Раҳимов номли совхозларнинг партия ташкилотлари тингловчиларнинг ҳисоботларини вақти-вақти билан эшитиб туриш практикасини кенг қўлланмоқдалар.

**Панжиева:** Ангор мактабларида ижтимоий фанларни ўқитиш сифати яхшиланяпти. Турли клублардаги машғулотлар пионер ва комсомолларда актив позицияни чиниқтиришга хизмат қилаётир.

**Тошмуродов:** Шахснинг камолотида ғоявий тарбия актив ҳаётий позицияни чиниқтиришнинг етакчи шарти, албатта. Бу тарбия ҳозиргина Людмила Холмўминовна айтганидек, ёшликдан, оила, ўқув муассасаларида олиб борилаётган кундалик ишлар жараёнида эътибордан қочирилмаслиги керак. Лекин кўпинча ёшларда ижтимоий активликни тарбиялашнинг янги-янги формаларини изчил изламаймиз. **Мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида сиёсий билим клублари, лекторийлар кўп ҳолларда расмият учунгина ташкил этилади. Ўсмирлар билан сиёсий суҳбатларни, қуруқ, таъсирсиз тилда олиб бориш, улар даврасида қироатхонлик қилиш мутлақо ярамайди.**

**Ҳайитқулова:** Биз Абдураҳмон Тошмуродовни ҳунар-техника таълими соҳасининг тажрибали ходими сифатида танийимиз. Бу кишининг ҳозирги сўзлари ғоят ўринли. Кўпинча мактабларда фақат сиёсий ўқувларгина эмас, балки жамиятшунослик фанларини ҳам китобдаги маълумотлар орқали ўрганиш «тажрибаси»дан ҳали ҳам воз кечилгани йўқ. Натижада ўқувчиларнинг кўпчилиги ўз қишлоғи, ўзи яшаб турган колхоз ёки совхозда амалга оширилаётган ишлардан хабарсиз. Баъзи ҳолларда бизнинг ютуқларимизга ҳам, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларимизга ҳам ёшларнинг муайян қисми бефарқ эканлигининг сабаби шунда эмасми? Бинобарин, биз назарий билимларни пропаганда қилишда, замондошларимизда ғоявий эътиқодни чиниқтиришда муайян камчиликларга йўл қўяётганлигимиз кўриниб турибди.

## Мутаносиблик

**Ҳайитқулова:** Ривожланган социалистик жамиятда янги кишини камол топтиришнинг замонавий қудратли пропаганда ва ахборот воситалари юзага келди. Шу ўринда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринлидир: **«Бизнинг бутун идеологик ишимиз системаси яхши созланган оркестрдек ҳаракат қилиб, бунда ҳар бир асбоб ўз овозига эга бўлиб, ўз партиясини ижро этади, уйғунликка эса моҳирона дирижёрлик билан эришилади».** Бутун тарбия ишимизнинг оҳанглари партия раҳбарлиги нечоғли самарадор эканлигига қараб баралла янграйди. Айрим рақамларни келтираман. Ҳозирги кунда меҳнат коллективларида 687 пропагандист, 700 га яқин агитатор, 115 сиёсий ахборотчи, 20 сиёсий докладчи, «Билим» жамиятининг 700 дан кўпроқ аъзоси идеологик, сиёсий тарбия ишини олиб бормоқда.

Идеология активининг аксарияти омма билан жонли мулоқот олиб боришдек ғоят муҳим партия топшириғини муваффақиятли адо этаётир. Кейинги пайтда Жума Пирназаров номли колхоздан Арслон Ёқубов, Ленин номли колхоздан Хушвақт Ҳолматов сингари кўпгина агитатор ва лекторларнинг ибратли иш тажрибаларини кенг оммалаштирдик. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда матбуот, радио, телевидениедан ўринли фойдаланаётирмиз. «Сариосиё ҳақиқати» газетаси, район радиосининг бу борадаги роли ошиб бормоқда.

Оммавий-сиёсий тарбияни ташкил этишда халқ университетлари, сиёсий билим лекторийларининг аҳамияти ошяпти. Ҳозирги пайтда 12 халқ университети машғулотларига 2 мингдан кўпроқ тингловчи иштирок этаётир. Айни пайтда шахс онгига сиёсий таъсир кўрсатишнинг бошқа формалари ҳам такомиллашяпти. Мен бу ўринда ягона сиёсий кунлар, савол-жавоб кечалари, уч авлод учрашувлари сингари оммавий тадбирларни назарда тутмоқдаман. Истиқомат жойларида маҳалла комитетлари, оқсоқоллар кенгашлари аҳоли ижтимоий активлигини кучайтириш борасида қизғин иш олиб бормоқда.

Областимиз хўжаликларида меҳнатни ташкил этишнинг структураси такомиллаштирилганлиги туфайли сиёсий тарбия иши тобора самарали бўляпти. Энди бу иш анча реал, конкрет, амалий тус олди. Уни назорат қилиш қулайлашди. Хўжаликларимиздаги 40 та алмашлаб экиш участкасида шинам дала шийпонлари амалий тарбиявий иш марказига айланган.

**Назаров:** Дарҳақиқат, ҳозирги шароитда дала шийпонларида сиёсий-маданий ишлар комплексини ташкил этиш ўз самарасини бераётир. **Пахтакорларнинг бўш вақтини кўнгилли ўтказиш, ундан меҳнаткашларнинг маънавий камолотига эришиш йўлида фойдаланиш учун шарт-шароитлар яхшиланмоқда. Дала шийпони меҳнаткашларнинг ишга онгли муносабатини тарбиялаш, ўзига ва бошқаларга талабчанлик руҳини чиниқтириш, иш вақтидан оқилона фойдаланиш йўлида уюшқоқликка эришиш маркази бўлиб қолди.**

Лекин масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Кўпинча газета ва журналлар дала шийпонларига кеч етказиб берилмоқда. Бу матбуот саҳифаларидаги актуал материалларнинг таъсирчанлигини бўшаштириб қўйяпти. Айрим ҳолларда икки-уч кунлаб газета ололмаймиз.

Масаланинг иккинчи жиҳати шундаки, матбуот саҳифаларида қишлоқ меҳнаткашларининг ҳаёти, уларнинг ижтимоий тафаккуридаги ўзгаришлар, илғор иш тажрибалари ҳамиша ҳам ўқимишли, таъсирчан ёритилаётир деб бўлмайди.

**Пардаев:** Ҳозиргина муҳим бир муаммо жуда тўғри қўйилди. Дарҳақиқат, кўпинча газеталаримизда муҳим проблемалар енгил-елпи, юзаки ёритилмоқда. Биз шуни ҳисобга олиб, район журналистлари ижодий маҳоратини оширишга катта эътибор бермоқдамиз. Район газетаси ходимлари меҳнат коллективларида тез-тез бўладиган, мутахассислар, қишлоқ мухбирлари билан кун сайин иш олиб борадиган бўлиб қолдилар. Натижада пропаганда ва агитация иши тажрибаси, уни янада яхшилаш проблемалари тобора изчил ёритиляпти. Биз умумий, тумтароқ иборалардан, қуруқ таъкидлашлардан воз кечиб, мавзуни лўнда, жозибали ёритишга эришаётирмиз. Интернационал ва ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси масалалари тобора кенг ёритилмоқда.

**Мардонов: Партия ташкилотларида ягона сиёсий кунлар ўтказиш яхши натижа беряпти. Идеология ходимлари, партия органларининг сайлаб қўйилган активи, хўжалик ва ташкилот раҳбарлари меҳнат коллективларида одамлар билан бевосита учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга тегишли жавоб бермоқдалар.** Турар жойларда ўтказилаётган ягона сиёсий кунларда социал масалаларга доир саволлар, таклифлар кўп тушмоқда. Бу эса партия, совет, хўжалик ташкилотларига беш йиллик вазифаларини амалий жиҳатдан ҳал этишга катта ёрдам бераётир.

**Раҳмонқулова:** Даврамизда меҳнаткашлар онгига сиёсий таъсир ўтказиш, уларни маънавий жиҳатдан тарбиялашнинг кўпгина қирралари тилга олиняпти. Замондошларимизни меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, шонли анъаналаримизга садоқат руҳида тарбиялашда аҳолининг динга ишонувчи қатлами ўртасида олиб бориладиган ишлар ҳам муҳим ўрин тутади. Биз бу борада муайян тажрибага эгамиз, албатта.

Маълумки, турмуш тарзи ғоят кенг тушунча бўлиб, у одамлар орасидаги ўзаро муносабатни ҳам, ахлоқий соғломликни ҳам, турмуш маданиятини ҳам, оқилона истеъмол маданияти ва намунали жамоат тартибини ҳам ўз ичига олади. Бинобарин, атеистик тарбия ғоят муҳимдир. Мен кўп йиллик тажрибамга асосланиб шуни айта оламанки, ҳар қандай янгилик кишилар онгига изчил, кун сайин олиб бориладиган амалий тажриба орқали сингдирилади. Ўзим пахтакорлар, чорвадорлар билан тез-тез учрашиб тураман. Ислом ва унинг ақидаларига оид савол-жавоб кечалари ташкил этаман. Кўпинча атеист лектор сифатида мактабларга, клубларга, кутубхоналарга таклиф этишади. Ана шундай **жонли мулоқотлар чоғида марксизм-ленинизм классиклари асарларидан, кино ва телевидение кўрсатувларидан, санъат намуналари ва адабий асарлардан ўринли фойдаланаман. Лекин қанчалик бой бўлмасин, бу материаллар қишлоғимиз меҳнаткашларининг ҳаётидан олинган мисоллар билан асосланмас экан, тингловчиларга зарур таъсир кўрсатмайди.**

**Пардаев:** Гап атеистик пропаганда тўғрисида борар экан, бу борада матбуот ғоят муҳим роль ўйнаши лозимлигига эътиборни қаратмоқчиман. «Ғалаба» газетаси саҳифаларида илмий-атеистик тарбия масалалари тобора изчил ёритилаётир. Шуни айтиш кифояки, кейинги ўн беш ой мобайнида шу мавзуга бағишланган 32 материал эълон қилдик. Лекин гап материалларнинг ортиқ-камлигида эмас, албатта. Гап уларнинг моҳиятидадир. Биз динга ишонувчилар учун эълон қилаётган материалларимиз асосли, далилларга бой бўлишига интиляпмиз. Уларда умумий мушоҳадалар, тумтароқ фикрларга мутлақо ўрин бермаяпмиз. Партия ташкилотлари атеистик тарбияни йўлга қўйиш борасида олиб бораётган ишлар ўқимишли ёритиляпти. Айниқса, «Атеистик саҳифа» газетхонларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Мардонов:** Биз атеистлар кенгашлари, атеист-лекторлар семинарларини ташкил этиб, айни пайтда динга ишонувчилар билан якка тартибда иш олиб бормоқдамиз. **Меҳнаткашлар ўртасида совет турмуш тарзини пропаганда қилишда Эшниёз Ғузоров, Тоғаймурод Ҳайдаров, Жонбўта Абраев, Мамлакат Бегматова сингари идеология ходимларимиз алоҳида ташаббускорлик кўрсатмоқдалар.** Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Абдусаттор Қурбонов, Жиянқул Рустамов, Ленин ордени кавалери Турсуной Ашурова, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари Хўжамқул Рустамов, Шоймардон Истамовлар иштирокида атеист-лекторлар ўтказаётган суҳбат, савол-жавоб кечалари қишлоқ меҳнаткашларида яхши таассурот қолдирмоқда.

**Умаров:** Коммунистик тарбия ҳақида сўз борар экан, инсоннинг маданий эҳтиёжларини шакллантириш, шахснинг маънавий қиёфасига актив таъсир кўрсатиш масалаларини тилга олмаслик мумкин эмас. Маданият муассасалари бу масалаларни ҳал этишда катта ўрин тутади. Сариосиёда бугун 68 оммавий кутубхона, 44 клуб ва маданият уйи, 2 маданият ва истироҳат боғида меҳнаткашларга хизмат кўрсатилмоқда. Партия ташкилотлари бадиий ҳаваскорлик ишини ривожлантиришга эътиборни кучайтиришди. Ҳозирги пайтда районимизда 7 та ашула ва рақс ансамбли ташкил этилган. Айниқса, «Зеҳн», «Балли, қизлар», «Давримизни куйлаймиз», «Иқбол» ҳаваскорлик мусобақаларини ўтказиш меҳнаткашлар ўртасидан чинакам талантларни аниқлаш омили бўляпти. Энди сариосиёлик ҳаваскор санъаткорлар фақат район қишлоқларида эмас, балки областимизнинг бошқа районларида ҳам бўлиб, ўз маҳоратларини намойиш этишяпти. Шу кунларда республиканинг шонли юбилейига бағишлаб «Бу — менинг Ўзбекистоним» фестиваль-конкурсини ўтказаётирмиз. Узун маданият уйи қошидаги «Сариосиё садоси», район вокал-чолғу асбоблари ансамбллари коллективлари ҳам ўз программаларини бойитаётир.

## Амалий ишларимиз гулдастаси

Ҳайитқулова: **Бизнинг фаолиятимизда сўз билан ишнинг бирлиги ғоят муҳим. Борди-ю, идеология ходими бир гапни айтиб турса-ю, ўзи кундалик ҳаётида бошқача қадам қўйса, унинг бутун фаолияти ҳеч нимага арзимайди. Ғоявий-сиёсий, интернационал, меҳнат, ахлоқий тарбия — бутун идеология ишимизнинг барча йўналишларидаги хатти-ҳаракатларимиз бир гулдастага жамлансагина, биз кўзланган мақсадга эришамиз.** Айтайлик, лекцияни қуруқ ўқиш билан иш битмайди. Меҳнат коллективларида бўлиб, уларга газета ўқиб бериш бугунги кунда кифоя эмас. Идеология ходими масаланинг моҳиятига чуқур кириб бориши, ўзи амалда айтаётган сўзларига оғишмай риоя қилиши, ижтимоий бурчга ва меҳнатга партиявий муносабат кўрсатиши керак.

**Назаров:** Фақат шу ҳолдагина биз меҳнаткашларда «ўз мамлакатининг хўжайини» туйғусини тарбиялашдан иборат ленинча кўрсатмани муваффақиятли амалга ошира оламиз. Маълумки, ўртоқ К. У. Черненко шу масалага тўхталиб, янги иқтисодий тафаккурни шакллантириш ҳозирги даврнинг долзарб вазифаси эканлигини кўрсатиб ўтди. Бутун идеология ишини шу тахлитда ташкил этиб, биз совхозимиз меҳнаткашларининг ташаббускорлигини таъминламоқдамиз. Будённий номли совхоз ўтган йили ҳар гектар ердан 45 центнердан хирмон кўтарди. Бу пландагидан 9 центнер зиёд. Ҳосилнинг 77 проценти машиналар ёрдамида териб олинди.

**Мардонов:** Биз ҳозиргина Ҳусан Аҳмедовичнинг Будённий номли совхоз партия комитети сўз билан ишнинг бирлигини таъминлаб, бутун кучни пахтачиликни ривожлантиришга сафарбар этаётганлиги ҳақидаги ҳикоясини тингладик. Бутун Ленин йўли райони партия ташкилотлари фаолиятида мана шундай силжишни кузатиш мумкин. **Меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, алмашлаб экиш участкаларининг ташкил этилиши оммавий-сиёсий ишларни марказлаштириш, аниқ мақсадларга йўналтириш, таъсирчанлигини ошириш имконини бермоқда.** Бу ишда раҳбар ходимлар, мутахассислар фаол қатнашаётирлар. Натижада уларнинг меҳнаткашлар оммаси билан алоқаси яхшиланди. Энди партия ташкилотларида бўлганингда, директор ёки инженерга: «Сиз эртага қаерда лекция ўқийсиз?», «Қайси темада сиёсий ахборот ўтказасиз?», «Қани, тайёргарлигингизни кўрайликчи?» сингари саволларни бериб, қониқарли жавоб олишингиз мумкин.

**Панжиева:** Мактабларимизда 27 ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларида бобо-деҳқонларнинг асл ўринбосарлари вояга етаётир. Мактаб комсомоллари ҳисобот-сайлов йиғилишларида жонажон қишлоқларида қолиб ишлаш ташаббуси билан чиқишяпти.

**Соҳибов:** Жуда тўғри. Гагарин районидаги 7-, Термиз районидаги 6-мактабларнинг ёш пахтакорлари ҳам 36—40 центнердан ҳосил олишяпти. Ёшларнинг аксарияти ижтимоий бурчни тўғри англаб етадиган, шонли анъаналаримизга садоқатли бўлиб ўсаётганлиги ҳар биримизни қувонтиради.

**Раҳмонқулова:** маҳаллаларда сиёсий тарбия ишини йўлга қўйиш кўп болали оналарни ҳам ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш имконини бермоқда.

**Ҳайитқулова:** Идеология ишида танаффус бўлмаслиги, кун сайин аниқ мақсад сари изчил бориш лозим. Шундай йўл тутилмай, Сариосиёдаги «Правда», Свердлов номли, «Ленинизм» колхозларининг партия ташкилотларида хўжалик ва сиёсий-тарбиявий ишлар бирлиги таъминланмади. Натижада давлат планлари ўлда-жўлда қолиб кетди. 23-ғишт заводи коллективи ҳам сурункасига давлат планини уддалай олмаётганлиги тарбиявий ишда изчиллик етишмаслигининг оқибатидир.

Аксинча, **қаердаки тарбия иши жонли, намунали, мароқли ташкил этилса, ўша жойда муваффақиятларга эришилаверади.** Районимиздаги «Коммунизм», «Дашнобод» совхозлари, Жума Пирназаров номли колхоз партия ташкилотлари фаолиятида буни яққол кузатиш мумкин. Бу хўжаликлар социалистик мусобақада муттасил олдинда бормоқдалар. Меҳнаткашларда коллективчилик, ташаббускорлик руҳи чуқур шаклланиб бормоқда. Юксак пировард натижа учун мусобақа катта самара бераётир. Биргина рақам келтирмоқчиман. Сўнгги бир йилда район хўжаликлари пахтачиликдан олган даромад 11 миллион сўм кўпайди. Ҳар бир меҳнатчининг ойлик иш ҳақи 20 сўм ошди. Шу эмасми, ахир, меҳнаткашларда оқилона хўжалик юритиш туйғуси шаклланаётганлиги?

**Пардаев:** Матбуот саҳифаларида худди мана шу туйғуни, ишга омилкорлик билан муносабатни шакллантириш жараёнини атрофлича ёритмоғимиз даркор. Бойсунлик газетхонлар «Ғалаба» саҳифаларида «Сайроб» совхозининг бош чўпони Ҳақназар Ҳаққулов, «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозининг бош чўпони Темир Пухтаев, «Бойсун» совхозининг бригадири Менгниёз Худойқуловларнинг меҳнатга онгли муносабат ҳақидаги ҳикояларини мароқланиб ўқишганлигининг боиси мана шунда.

**Тошмуродов:** Идеология ишини изчил ташкил этиш меҳнаткашларнинг ижтимоий ва меҳнат активлигини ошираётганлигини кўриб турибмиз. Дарҳақиқат, **бизнинг бутун кучимиз ҳар бир кишини меҳнат қилиш эҳтиёжини сезадиган, жамият манфаатлари йўлида ҳалол ва мардона ишлаш заруратини чуқур англайдиган қилиб тарбиялашга қаратилаётганлиги табиийдир.** Бизнинг ҳунар-техника билим юртимизда бу ишнинг моҳир ташкилотчилари оз эмас. Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими аълочилари Рамиль Нигматуллин, Шариф Баҳромов, ёш мутахассислар Ҳафиз Шарипов, Жўра Қодиров, Эгамшукур Мадиёровлар шулар жумласидандир. Улар ижтимоий бурчга онгли муносабатни тарбиялашни ёшларга пухта касб-ҳунар ўргатиш билан уйғунлаштириб юбормоқдалар. Ўқув-тажриба хўжалигимизда рекорд ҳосил етиштирилаётганлиги, билим юртимиз муттасил республика кўрик-конкурсининг ғолиби бўлаётганлиги фикримиз далилидир.

**Беш йилликнинг ўтган даврида она-Ватан 1,6 миллион тонна Сурхон «оқ олтин»ини қабул қилиб олди. Унинг ярмидан кўпини қимматбаҳо ипак пахта ташкил этди. Ўтган йили ўртача ҳосилдорлик 36 центнерга етди. Ана шу муваффақият учун область КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.**

**Давра суҳбатида идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар ана шу ютуқларга эришишда асосий омил бўлганлиги мамнуният билан таъкидланди, бу борадаги бой тажриба умумлаштирилди. Одамларнинг меҳнатга онгли, коммунистик муносабатини кўрсатувчи, социалистик мусобақадаги амалий иштирокини ёрқин гавдалантирувчи рақамлар, мулоҳазалар, фактлар тилга олинди. Айни пайтда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ўртага ташланди, уларни бартараф этиш йўллари маслаҳатлашиб олинди. Энг муҳими, «Давра суҳбати» қатнашчилари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб нишонлаш юзасидан амалга оширилаётган оммавий-сиёсий тадбирлар тажрибаси билан ўртоқлашдилар. Сурхондарё область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Ш. Сафаров идеология ходимлари олдида турган долзарб вазифалар ҳақида сўз юритди. Идеология ишининг усул ва услубларини янада такомиллаштириш, унинг барча воситаларидан оқилона фойдаланишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.**

**А. ХАЛИЛОВ,**
**С. ЖЎРАҚУЛОВ,**
**Ж. САЪДУЛЛАЕВ.**

